

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2026 йил апрель ойининг 6 куни, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи туман судининг раиси Б.Н.Абдуназаров, судья ёрдамчиси Ф.Фазиловнинг котиблигида, тарафлардан Тошлоқ туман прокурори ёрдамчиси Қ.Темиров, судланувчи У.Мўминов ва унинг химоячиси-адвокат О.Тухтабаевнинг иштирокида, Мўминов Улуғбек Абдувалиевичга нисбатан 1-1517-2601/90-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Мўминов Улуғбек Абдувалиевич (Mo‘minov Ulug‘bek Abduvaliyevich), 1975 йил 25 февраль куни Тошлоқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2022 йил 23 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига судланган;

2) жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2022 йил 28 декабрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан ЖК 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2023 йил 7 сентябрдаги ажримига кўра ЖК 74-моддаси қўлланиб, ўталмаган 2 йил 5 ой 19 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

3) жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2024 йил 6 февралдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 278-моддаси 1-қисми билан ЖК 60-61-моддалари тартибида 1 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2024 йил 26 декабрдаги ажримига кўра ЖК 74-моддаси қўлланиб, ўталмаган 4 йил 10 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 2025 йил 25 май куни жазони тўлиқ ўтаган, Тошлоқ



тумани, Сойбўйи МФЙ, Хамрох кўчаси, 83-уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 17 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 278-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи У.Мўминов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, 2026 йил 24 февраль куни Тошлоқ тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида, укаси О.Мўминовнинг яшаш хонадони бўлган Тошлоқ тумани, Сойбўйи МФЙ, Хамрох кўчаси рақамсиз уйида танишлари Д.Розиков, А.Исмайилов ва А.Баратовга қимор ўйинини ўйнашлари учун шароит яратиб, қиморхона ташкил этганлиги аниқланган ва улардан жами 1.195.000 сўм пул, 100 АҚШ доллари ва 36 дона ўйин карталари ҳамда ундан қиморхона ташкил этиб, шароит яратиб бериш эвазига олинган 70.000 сўм миқдорида пуллар ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи У.Мўминов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2026 йил 24 февраль куни Заркент маҳалласида танишлари А.Баратов, А.Исмайиловлар билан бирга овқатланиб ўтириб, укаси О.Мўминов бир неча кун олдин унга уйини таъмирлаш кераклигини билдиргани сабабли уста А.Исмайиловга укасини уйида таъмирлаш ишлари борлигини, бир кўриб баҳосини айтишлигини билдириб, укаси О.Мўминовнинг яшаш хонадонига олиб боргани, укасига қўнғироқ қилганида, қурилиш маҳсулотларни олиб келиш учун кўчага чиққанлигини айтгани, уйда карта борлигини кўриб, танишларига қимор ўйнашларини айтиб, ўртага 10.000 сўмдан пул ташлаб қиморни бошлашгани, Д.Розиков ҳам келиб ўйинга қўшилгани, у жами 70.000 сўм миқдорида чўтал пулларни олиб, чўнтагига солиб турганида, хонага ИИБ ходимлари кириб, шу ерда бўлган 36 доналик карталар, 1.195.000 сўм ҳамда 100 АҚШ доллар пуллар ва ўзида мавжуд бўлган 70.000 сўм пулларни ашёвий далил тариқасида олишгани, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, келишувни ихтиёрий равишда тузганлигини, келишувнинг моҳиятини, шартларини тушунганлигини, унинг оқибатларини англаб етганлигини, келишувни қўллаб-қувватлашини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи У.Мўминовнинг содир этган жинояти ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари билдирги, ашёвий далилни олиб кўйиш ва кўздан кечириш баённомалари, DVD диск, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, ҳукм нусхаси, маълумотномалар ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчининг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Суд дастлабки тергов органи томонидан У.Мўминовнинг хавфли рецидивист бўлгани ҳолда яшаш хонадонига қимор ва таваккалчиликка



асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этганликда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 278-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Судланувчи У.Мўминов дастлабки тергов жараёнида ўзига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор эканини, жиноят иши бўйича тўпланган далилларни инкор қилмаслигини, жиноят иши бўйича ўзининг ҳаракатларини моҳияти ва оқибатларини тўлиқ англаб етганини, ишда иштирок этган ҳимоячи билан ўзаро маслаҳатлашганини, тергов органи томонидан қўйилган гумонни ва айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни инкор этмаслигини инobatга олиб, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузишлик учун прокурорга илтимоснома билан мурожаат қилган.

Тошлоқ туман прокурори томонидан 2026 йил 10 март куни айбга иқрорлик тўғрисида келишувни тузишда айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари таъминланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 586¹-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилгани инobatга олиниб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома қаноатлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд, айбга иқрорлик бўйича келишувни тузишда судланувчининг процессуал ҳуқуқлари таъминланганлигини ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 586¹-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлигини, келишувнинг айбланувчи томонидан ихтиёрий равишда тузилганлигини, айбланувчи келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунганлигини, унинг оқибатларини англаб етганлигини, келишувни қўллаб-қувватлашини инobatга олиб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни, судланувчи У.Мўминовга нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитин ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни инobatга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57²-моддаси тартибида қонун санкциясида назарда тутилгандан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб ашёвий далил тариқасида олинган 36 дона ўйин карталарини йўқ қилишни, “Агробанк” АТБ Фарғона вилоят ҳудудий филиалида сақланаётган 100 АҚШ доллари (1.205.000 сўм) ва 1.265.000 сўм пулларни давлат эгалигига топширишни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57²-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 586⁸, 586¹⁰-моддаларига асосланиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

Мўминов Улуғбек Абдувалиевич (Mo‘minov Ulug‘bek Abduvaliyevich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 278-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин.

Мўминов Улуғбек Абдувалиевичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 278-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан Жиноят кодексининг 57²-моддаси тартибида 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Мўминов Улуғбек Абдувалиевичга жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2026 йил 6 апрелдан бошлаб ҳисоблансин.

Мўминов Улуғбек Абдувалиевичга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва суд залида дарҳол қамоққа олинсин.

Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” АТИБ Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 8.300.000 сўм гаров пуллари О.Мўминовга қайтарилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган 36 дона ўйин карталари йўқ қилинсин;

-“Агробанк” АТБ Фарғона вилоят ҳудудий филиалида сақланаётган 100 АҚШ доллари (1.205.000 сўм) ва 1.265.000 сўм пуллар давлат эгалигига топширилсин.

Тезкор тадбир видео тасвири ёзилган DVD диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида, судланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида туман суди орқали Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ўн суткалик муддат ўтганидан сўнг эса кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Н.Абдуназаров

Нусхаси аслига тўғри:

Б.Н.Абдуназаров

